

Фикҳ дарслари (152-дарс). Намознинг ташқарисидаги фарзлар (биринчи мақола)



17:31 / 02.09.2021 3077

«Шарт» сўзи луғатда «аломат» деган маънони англатади.

Шариатда бир нарсанинг вужудга келиши унга боғлиқ бўлган ва ўзи ўша нарсадан ташқарида бўлган нарса «шарт»дир.

Мисол учун, ушбу сарлавҳа остида ўрганадиган нарсаларимиз «намознинг шартлари» деб аталади. Улардан бирортаси бўлмаса, намоз ҳам бўлмайди. Аммо мазкур шарт бўлган нарсаларнинг бирортаси ҳам намознинг ичида йўқ. Балки ҳаммаси намоздан ташқаридаги нарсалар.

Шунинг учун ҳам халқ ичида уларни «намознинг ташқарисидаги фарзлари» дейиш одат бўлиб қолган.

وَتَرْوَعُ زُتًا وَسَوَاءٌ أَمَّا كَمَوْبُ وَتَوَيْتَ بَحْوٍ تَدَخُّنْ مِ يَلْ صُمْلًا نَدَبُ رُطَا يَه
ةً يِّنْ لْ أَوْ ةً لْبِقُولِ الْاَبْقَاتِ سَاو

أَوْ رُطَا طَعْمِ آدَهْ ةً مَّالْ أَوْ ةً يَّتَبَكُّرُ تَحْتِ يَلْ إِيْوَتُّرُ سِ تَحْتِ نَمْ ةً لْ جِرْلْ ةً رُوعًا وَ
مَدَّقُلْ أَوْ فَكُّلْ أَوْ هَجْ وَ لْ أَلْ ةً نَدَبُ رُحْلْ أَوْ أَوْ نَطَبْ وَ

رَكُّذَلْ أَوْ يَخْفَلْ أَكْ ةً حَوْ وَ وُضْعُ قُاسِلْ أَوْ ةً لْ صِلْ عُنْمِ يَ وَ وُضْعُ لْ اِبْغُ بَرْ فِ شَكِّ وَ
لَزَنْ رُغَشْ وَ نِيَّيْ تَنْ أَلْ أَوْ أَدْرَفَنْ م

رُهِطَ وَبَوَّغْتُ بَرَوَ أَيَّرَاعُ زُجَّتْ مَلَوُ دُعِي مَلُوعَمَ يَلَصِ سَجَّ نَلَالِي زُمُ مَدَاعُ وَ
أَدْعُ أَقُبُّ دُنِّي وَ، أَمِّي أَقُ هُتَ أَلِ صُرُوحِي بَوَّثَلَا مَدَاعُ وَ، هَعَمُ لَصَفَالَا؛ لَقَ أَيَّفُ وَ
أَيُّ مُمُ.

يَرْحَتَ لَقَبُ قَلَامِ لَعِي نَمَ مَدَعُنْ إِي وَ، وَتَزْدُقُ هَوَجِ لَابُقُتْ سَالِ إِفِي إِخُ هَلُ بَقُ وَ
أَيُّ لَصُمُ هِي أَرَلُ وَحَتُّنْ إِي وَ، رَحَتِي مَلُ بِي صُمُ لَبُ، يَرْحَتُ إِطْحُمُ دُعِي مَلُ وَ
رَادَتُ سَا.

مُجَلِّغُ وَأُ هُمُ دَقَّتْ لَبُ هُ فَ لَخَ سَيُّ لَهَنَّ أَمَلَعُ إِذِ إِي مَامِ إِ هَوَجُ هَلُ هَجُّ رَضَيَ أَلِ وَ
عَمَ وَ، هَمِي رَحَّتْ لَابِ أَلِ صَّتُّمُ يَدَّتْ قَانِ إِ هُءَ إِدَّتْ قَا وَ هَتَ أَلِ صُ دُصُّ قَيَّ وَ، وَتَ فَ لَخُ م
هَ أَلِ صَلَّ لَ إِ قَلُّ طُمُ هِي نَبِيحِ أَوْلَا وَ صُرَفُ لَ إِ رِي غَلِ يَفَكِّي وَ، لَصَفَا أَطْفَلِ لَ إِ
دَدَعُ لَ إِ لَ نُنِّي عِ تَ لَ إِ أَمَ هَلُ طَرُّ شَ وَ

Намознинг шартлари: намозхоннинг бадани, кийими ва макони бетаҳоратлик ва ҳақиқий нажосатдан пок бўлиши, авратининг тўсилиши, қиблага юзланиш, ният қилиш.

Эркак кишининг аврати киндиги остидан то икки тиззасининг остигачадир.

Чўриники ўша билан бирга елка тарафи ва қорни ҳамдир.

Ҳур аёлнинг жамики бадани авратдир. Юз, икки қўл ва оёқ бундан мустасно.

Бир аъзонинг тўртдан бирининг очилиши намозни ман қилади.

Болдирнинг ўзи бир аъзодир.

Сон, закарнинг ёлғиз ўзи ва икки турмуқ ҳам. Осилиб тушган соч ҳам.

Нажасни кетказадиган нарсаси бўлмаган одам у билан намоз ўқийверади. Кейин қайта ўқимайди.

Кийимининг тўртдан бири пок бўлган кишининг яланғоч ҳолда намоз ўқиши жоиз эмас. Ундан ози пок бўлганда ҳам у билан ўқиш афзал.

Кийими йўқнинг тик туриб намоз ўқиши жоиз. Ўтириб, имо билан ўқиши мандубдир.

Хавфдаги кишининг қибласи қудрати етган тарафидир. Қиблани биладиган одам топилмаса, ижтиҳод қилади. Ижтиҳодида хато қилган

одам намозни қайта ўқимайди, балки ижтиҳод қилмай, тўғри юзланган одам қайта ўқийди.

Намоз ўқиётганда фикри ўзгариб қолса, айланиб олади.

Имомининг юзланган тарафини билмаса, зарар қилмайди. Аммо ундан олдинга ўтиб кетгани ва унга хилоф қилаётганини билиши зарар қилади.

Такбири таҳримага улаб иқтидо қиладиган бўлса, унинг (ўша вақтнинг) намозини ва унга (имомга) иқтидо қилишни қасд қилади. Қасдини талаффуз қилса афзал бўлади.

Фарз ва вожибдан бошқага мутлақ намозни ният қилса, кифоя қилади. Фарз ва вожибни тайин қилиш вожибдир. Ададини эмас.

Демак, мазкур шартлар юзага келгандагина, намозни бошлаш мумкин бўлади. Ушбу шартларнинг баъзилари намозни бошлаб олиш учун керак бўлади. Мисол учун, ният қилиш. Намознинг аввалида ният қилинса бўлди.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди